



О`ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING QARORI

Namangan sh. Istiqlol ko`chasi 57.

2021 йил «15» июль

142-6-0-Q/21

Наманган вилояти ҳокимияти

Наманган вилоятидаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган тўловлар миқдорларини белгилаш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда*)нинг 6 ва 25-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ–1326-сон қарорининг 4-бандига мувофиқ, Наманган вилоят молия бош бошқармаси, вилоят Давлат солиқ бошқармаси ва вилоят Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини мувофиқлаштириш уюшмасининг 2021 йил “18” майдаги 54/05-сон хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Наманган вилоят молия бош бошқармаси (З.Бахриддинов) ва давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллаволдиев) ҳамда вилоят Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини мувофиқлаштириш уюшмаси (А.Мамадумаров) таклифлари асосида:

вилоятдаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириладиган бир марталик йиғимларнинг миқдори 1-иловага мувофиқ;

вилоятдаги бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино-иншоотлар ва инвентарларни ижарага бериш ва кўрсатиладиган хизматлар учун

ундириладиган тўловлар миқдори 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимлари вилоят давлат солиқ бошқармаси, ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари ҳамда бозорлар ва савдо комплекслари маъмуриятлари билан биргаликда:

бозорлар ва савдо комплексларидан тушадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматини белгиланган тартибда тўлиқ ундирилишини;

белгиланган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорларини вилоятдаги барча бозорлар ва савдо комплексларига етказилиши, сотувчи ва харидорларга кўринарли жойларга жойлаштирилиши ҳамда амалда тадбиқ этилиши устидан назорат ўрнатилишини таъминласинлар.

3. Наманган вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллаводдиев) ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари билан биргаликда бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан бозорларда бир марталик йиғимлар, кўрсатилган хизматлар, фойдаланганлик учун ижара тўловлари йиғим миқдорларини кўпайтириш эвазига тушадиган даромадларни Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган тартибда йўналтирилишини таъминласинлар.

4. Белгилансинки, қарорнинг 2-иловасига мувофиқ, умумий эгаллаган ер майдони 100 кв. метрдан ортиқ бўлган объектларни сақлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар объектнинг фойдаланилаётган майдонидан келиб чиққан ҳолда ундирилади (бозор ҳудудидан ташқарида жойлашган объектлар бундан мустасно).

5. Вилоят бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини мувофиқлаштириш уюшмаси (А.Мамадумаров)га вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқлаб берилган даромад олиш режаси прогноз кўрсаткичларини туман, шаҳар бозорлар раҳбарлари томонидан икки ой давомида кетма-кет бажарилмаган тақдирда, уларни эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача бўлган чораларни кўриш топширилсин.

6. Вилоят ҳокимининг 2020 йил 10 июлдаги 360-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу қарор халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

8. Мазкур қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида эълон қилинсин ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Юсупов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Ш.Абдуразаков

Наманган вилоят ҳокимининг
2021 йил 15 июлдаги
142-6-0-Q/21-сон қарорига
1-илова

**Вилоятдаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириладиган бир марталик
йиғимларнинг миқдори**

(сўм)

т/р	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	Тўловлар миқдори	
			Наманган шаҳри	Туманлар
1	Маҳсулотларни савдо ўринларида сотиш:			
1.1.	Мевалар: Хўл мевалар: олма, анор, нок, шафтоли, анжир, олхўри, гилос, кўк ва қизил султон, ўрик, узум, олча ва ҳ.к.	1 ўрин/кунга	7 000	6 000
	Малина, смородина, кулупнай, гилос, шотут	1 ўрин/кунга	8 000	6 000
	цитрус ва тропик мевалар (апельсин, мандарин, лимон, банан, ананас, киви ва ҳ.к) ҳамда чет элдан келтирилган бошқа хўл мевалар	1 ўрин/кунга	14 000	12 000
	Қуруқ мевалар, ёнғоқлар: туршак, баргак, майиз, ёнғоқ, ерёнғоқ, бодом, писталар, шўрданак ва ҳ.к	1 ўрин/кунга	14 000	12 000

1.2.	Сабзавотлар: саримсоқ, булғор қалампири, бақлажон, патиссон, помидор, бодринг ва бошқалар	сабзи, пиёз, 1 ўрин/кунга	7 000	6 000
	Турп, шолғом, лавлаги, қизилча, карам	1 ўрин/кунга	7 000	6 000
	Картошка	1 ўрин/кунга	7 000	6 000
	Иссиқхонада етиштирилган бодринг, помидор, булғор қалампири			
	Йилнинг ноябр-май ойларида	1 ўрин/кунга	9 000	8 000
	Йилнинг июн-октябр ойларида	1 ўрин/кунга	7 000	6 000
1.3.	Полиз маҳсулотлари: хандалак, қовун, тарвуз, қовоқ (6 кв.метр гача)	1 ўрин/кунга	11 000	9 000
	хандалак, қовун, тарвуз, қовоқ (6 кв.метр дан ортиқ)	1 ўрин/кунга	14 000	12 000
1.4.	Дон маҳсулотлари: (крупа), буғдой, сули, арпа ва ҳ.к	гуруч, кунгабоқар, ёрмалар 1 ўрин/кунга	7 000	6 000
1.5.	Дуккакли маҳсулотлар: ловия, нўхат, жавари ва ҳ.к	мош, 1 ўрин/кунга	7 000	6 000
	ярим тайёр янчилган жавари (гўжа)	1 ўрин/кунга	6 000	4 000
1.6.	Сут маҳсулотлари: сут, қатик, қаймоқ, сметана, уй пишлоғи, сузма ва ҳ.к	1 ўрин/кунга	6 000	5 000
1.7.	Тузламалар: карам, бодринг, помидор ва ҳ.к салатлар	1 ўрин/кунга	7 000	6 000
1.8.	Зиравор ва дориворлар (зира, мурч, қалампир, нос, уруғлар ва ҳ.к)	1 ўрин/кунга	7 000	6 000
	Асал ва асалчилик аксессуарлари	1 ўрин/кунга	9 000	8 000
	Мавсумий нишолда, холвайтар	1 ўрин/кунга	9 000	8 000
1.9.	Кўкатлар (шу жумладан, иссиқхонада етиштирилганлар)	1 ўрин/кунга	6 000	6 000
1.10.	Тухум	1 ўрин/кунга	7 000	6 000

1.11.	Гуллар (6 кв.метр гача)	1 ўрин/кунга	7 000	6 000
	Гуллар (6 кв.метрдан ортиқ)	1 ўрин/кунга	9 000	8 000
	Кўчатлар (бодринг, помидор, булғор қалампири, қалампир, карам, баклажон, райхон ва бошқа гул кўчатлар)	1 ўрин/кунга	7 000	6 000
	Кўчатлар (мевали ва манзарали дарахтлар кўчати, терак кўчати ва ҳ.к)	1 ўрин/кунга	11 000	11 000
1.12.	Нон маҳсулотлари (оби нон, патир, ширмой ва ҳ.к)	1 ўрин/кунга	7 000	6 000
	Уй шароитида тайёрланган булочка, пирог ва бошқа пишириқлар	1 ўрин/кунга	6 000	5 000
1.13.	Уйда тайёрланган консерваланган маҳсулотлар, пазандалик маҳсулотлари (шу жумладан пиширилган нўхот, балиқ ва бошқа маҳсулотлари)	1 ўрин/кунга	7 000	6 000
	Уй шароитида тайёрланган қандолатчилик маҳсулотлари (оққанд, новвот, печак қанд, холвалар ва бошқа ширинликлар)	1 ўрин/кунга	7 000	6 000
1.14.	Саноат йўли билан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат, кондитер маҳсулотлари ва салқин ичимликлар	1 ўрин/кунга	9 000	8 000
1.15.	Дудланган колбаса ва чўчка ёғи	1 ўрин/кунга	14 000	12 000
1.16.	Миллий таомлар	1 ўрин/кунга	12 000	10 000
1.17.	Полиэтелен ва қоғоз пакетлар, саватлар ва посылка қутилар ва ҳ.к	1 ўрин/кунга	7 000	6 000
1.18.	Супурги, исирик	1 ўрин/кунга	7 000	6 000
1.19.	Тирик балиқ	1 ўрин/кунга	12 000	10 000
1.20.	Халқ ижодкорлиги, халқ хунармандчилиги ва касибчилик товарлари, шу жумладан хон тахта, сандал, бешик ва бешик анжомлари (6 кв.метр гача)	1 ўрин/кунга	9 000	7 000
	майда хунармандчилик моллари (ўроқ, арра, теша, болта, пичоқ, элак, жува, чекич, пишириқ қолиплари ва бошқалар) (6 кв.метр гача)	1 ўрин/кунга	7 000	6 000
	Тери ва мўйна маҳсулотлари	1 ўрин/кунга	10 000	8 000

1.21.	Тижорат йўли билан олиб келинган ноозиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан хўжалик моллари, тайёр кийимлар, газламалар, ўрин тўшак жихозлари (2 кв метргача)	1 ўрин/кунга	6 000	5 000
	Тижорат йўли билан олиб келинган ноозиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан хўжалик моллари, тайёр кийимлар, газламалар, ўрин тўшак жихозлари (6 кв метргача)	1 ўрин/кунга	9 000	8 000
	Тижорат йўли билан олиб келинган ноозиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан хўжалик моллари, тайёр кийимлар, газламалар, ўрин тўшак жихозлари (6 кв метрдан ортиқ)	1 ўрин/кунга	14 000	12 000
1.22.	Атторлик (галантерия) маҳсулотлари	1 ўрин/кунга	8 000	7 000
1.23.	Гилам, шолча, палас (6 кв метргача)	1 ўрин/кунга	11 000	9 000
	Гилам, шолча, палас (6 кв метрдан ортиқ)	1 ўрин/кунга	13 000	12 000
1.24.	Миллий кийимлар, миллий дўппи ва бошқа миллий бош кийимлар	1 ўрин/кунга	7 000	6 000
1.25.	Мебел жихозлари	1 ўрин/кунга	13 000	11 000
1.26.	Уяли телефон аксессуарлари ва бошқа буюмлар (DVD, пульта, тюнер, антенна, ёритиш фонарлари ва х.к)	1 ўрин/кунга	8 000	7 000
1.27.	Майда концелария моллари (дафтар, ручка, блокнот ва бошқалар) календарлар, буклетлар, газета, журналлар ва х.к	1 ўрин/кунга	8 000	7 000
2.	Гўшт маҳсулотлари: мол, қўй, чўчка, парранда	1 ўрин/кунга	13 000	11 000
	гўшти, жигар, думба ва х.к Суб маҳсулотлар (хайвон тили, туёғи, калла гўшти, хасип ва х.к)	1 ўрин/кунга	8 000	7 000

3.	Маҳсулотларни автомашиналардан сотиш:			
	енгил автомашиналардан	1 машинага	13 000	11 000
	юк автомашиналаридан	1 машинага	19 000	16 000
	тиркамали, ярим тиркамали юк автомашиналари ва автопоездлардан	1 машинага	19 000	16 000
	аравачаларда (юриб) маҳсулот сотиш (кўкат, нон, ширинликлар ва ҳ.к)	1 арава/кунга	7 000	6 000
	маҳсулотларни ердан сотиш (савдо расталаридан ташқарида, махсус ажратилган жойларда) (6 кв. метргача)	1 ўрин/кунга	8 000	7 000
4.	Уй ҳайвонлари учун ем-озуқалар (ҳар бир тиркама ёки юк автомашинаси учун): шрот,шелуха, комбикорма, пичан, сомон, гуруч ва маккажўхори пояси ва ҳк			
	енгил автомашинасидан	1 машинага	13 000	9 000
	юк автомашинасидан	1 машинага	17 000	14 000
	трактор тиркама(прицеп)ларидан	1 тиркама (прицеп) учун	17 000	14 000
5.	Қурилиш материалларини сотиш:			
5.1.	Темир ва ёғоч дарвоза (ҳар 4x4 метр жой учун)	1 ўрин/кунга	16 000	14 000
5.2.	Эшик ва ромлар (ҳар 2,7x2,7 метр жой учун)	1 ўрин/кунга	11 000	10 000
5.3.	Қраска, мих ва бошқа хўжалик моллари ҳамда қурилиш материаллари (1x1,5 метр)	1 ўрин/кунга	9 000	7 000
5.4.	маҳаллий ёғоч сотувчилардан			
	6 кв.метргача	1 ўрин/кунга	8 000	7 000
	6 дан - 15 кв. метргача	1 ўрин/кунга	11 000	9 000
	15 дан - 30 кв.метргача	1 ўрин/кунга	13 000	12 000

5.5.	Ишлаб чиққан ёғоч, тахта ва бошқа қурилиш материаллари сотувчиларидан			
	6 кв.метргача	1 ўрин/кунга	7 000	6 000
	6 дан - 15 кв. метргача	1 ўрин/кунга	8 000	7 000
	15 дан - 30 кв.метргача	1 ўрин/кунга	11 000	10 000
5.6.	Ишлаб чиққан труба, арматура, сим ва бошқа металллар			
	6 кв.метргача	1 ўрин/кунга	8 000	7 000
	6 дан - 15 кв. метргача	1 ўрин/кунга	9 000	8 000
	15 дан - 30 кв.метргача	1 ўрин/кунга	11 000	9 000
5.7.	Цемент, оҳак, мел, албастер, арзик, кум ва ҳ.к. (10 кв.метргача)	1 ўрин/кунга	7 000	6 000
5.8.	Қайта ишланган ёғоч маҳсулотлари (рейка, часпак, карниз ва шу турдаги маҳсулотлар) (хар 6 кв метр жой учун)	1 ўрин/кунга	7 000	6 000
6.	Илгари фойдаланишда бўлган буюмлар ва эҳтиёт қисмларни отиш:			
	Автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар	1 ўрин/кунга	9 000	7 000
	Уй-рўзғор жиҳоз буюмлари ва кийим-кечаклар	1 ўрин/кунга	7 000	6 000
7.	Автотранспорт воситаларини сотиш:			
	GM-Ўзбекистон (УзДЭУавто) ва хорижда ишлаб чиқарилган енгил автомашиналар	1 дона	26 000	18 000
	МДХ (СНГ) давлатларида ишлаб чиқарилган енгил автомобил ва микроавтобуслар	1 дона	24 000	17 000
	юк автомашиналари, автобуслар, тракторлар ва бошқа юк кўтарувчи транспорт воситалари	1 дона	27 000	19 000
	мотоцикл, мотореллер ва мопедлар	1 дона	9 000	7 000
	велосипедлар	1 дона	6 000	6 000
	Сотиш учун келтирилган автотранспорт воситаларини сақлаш	1 дона/суткага	4 000	3 000
8.	Мол бозорига олиб кириладиган ҳар бир чорва моллари учун			

8.1.	От, той, туя	1 бош	22 000	22 000
	бўғалоқ, эшак	1 бош	10 000	10 000
8.2.	Йирик шохли қорамол:			
	йирик шохли қорамол, яъни сигир бузоқчаси билан	1 бош	33 000	33 000
	йирик шохли қорамоллар, яъни буқа, сигир, ғунажин, бузоқ	1 бош	20 000	20 000
	бузоқча	1 бош	13 000	13 000
8.3.	Майда шохли қорамол:			
	Қўй қўзичоғи билан, эчки улоғи билан	1 бош	20 000	20 000
	қўй, эчки, қўзи	1 бош	12 000	12 000
	қўзичоқ, улоқча	1 бош	8 000	8 000
8.4.	Чўчқа ва чўчқа болалари	1 бош	6 000	4 000
9.	Уй паррандалари: курка, товук, ўрдак, ғоз	1 бош	4 000	4 000
	товук, курка, ўрдак, ғоз жўжалари	10 бош	4 000	4 000
10.	Итлар, мушук, қуёнлар	1 ўрин/кунга	6 000	5 000
11.	Манзарали қушлар ва балиқлар	1 ўрин/кунга	6 000	5 000
12.	Итлар, мушуклар, манзарали қушлар ва балиқлар учун озуқалар ҳамда тегишли аксессуарлар ва буюмлар	1 ўрин/кунга	8 000	7 000
13	Арқон, занжир, эгар ва бошқа аксессуарлар сотувчиларидан	1 ўрин/кунга	6 000	5 000
14	Пойафзал таъмирлаш, чархчилик хизмати	1 ўрин/кунга	6 000	5 000

Наманган вилоят ҳокимининг
2021 йил 15 июлдаги
142-6-0-Q/21-сон қарорига
2-илова

**Вилоятдаги бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино-иншоотлар ва инвентарларни ижарага бериш
ва кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган тўловлар миқдори**

(сўм)

т/р	Кўрсатиладиган хизматлар турлари	Ўлчов бирлиги	Тўловлар миқдори	
			Наманган шаҳри	туманлар
1.	Бозорлар ва савдо комплекслари балансидаги бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун ижара тўлови:			
	ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв.м./ойига	27 000	22 000
	озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв.м./ойига	27 000	22 000
	умумий овқатланиш	1 кв.м./ойига	24 000	20 000
	маиший хизмат кўрсатиш	1 кв.м./ойига	19 000	15 000
1.1.	Бошқа турлар			
	омбор, офис ва ҳоказо	1 кв.м./ойига	19 000	17 000
	дорихона, пайнет хизмати	1 кв.м./ойига	20 000	18 000
1.2.	Савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчасининг атрофида (олд, ён, орқа ташқи қисмида) ташкил этилган савдо жойи учун	1 кв.м./ойига	20000	16 000

2.	Бозор худудидаги расталар ва очик жойларни ижарага бериш (қурилиш материаллари сотишда)			
2.1.	Темир ва ёғоч дарвоза	1 кв.м./ойига	26000	22 000
2.2.	Эшик ва ромлар	1 кв.м./ойига	34000	30 000
2.3.	Краска, мих ва бошқа хўжалик моллари ҳамда қурилиш материаллари	1 кв.м./ойига	160 000	140 000
2.4.	маҳаллий ёғоч сотувчилардан	1 кв.м./ойига	14 000	12 000
2.5.	импорт ёғоч, тахта ва бошқа ёғоч маҳсулотлари сотувчиларидан	1 кв.м./ойига	12 000	10 000
2.6.	ДВП, ДСП, Фанера ва шу турдаги маҳсулотлар шу жумладан қайта ишланган ёғоч маҳсулотлари (рейка, часпак, карниз, сайдин ва шу турдаги бошқа маҳсулотлар)	1 кв.м./ойига	39 000	35 000
2.7.	Шифер, тунока шу турдаги топ ёпқич маҳсулотлар	1 кв.м./ойига	24 000	21 000
2.8.	Труба, арматура, сим ва бошқа металлар	1 кв.м./ойига	24 000	21000
2.9.	Цемент, оҳак, мел, албастер, арзик, қум ва ҳ.к.	1 кв.м./ойига	22 000	19 000
3	Инвентарларни ижарага бериш:			
3.1.	Тош-тарозилар учун	1 кунга	5 000	4 000
3.2.	Катта юк тортиш тарозилари учун			
	150 кг.гача	1 кунга	5 000	4 000
	150 кг.дан 1500 кг.гача	1 кунга	14 000	12 000
3.3.	Савдо жиҳозлари учун (болта, тахтакач, пичоқ, ўриндик, воронка, патнис, сават, ва ҳ.к) (бутун тўплам учун, бунда тўплам савдо фаолияти тури заруратидан келиб чиққан ҳолда аниқланади)	1 кунга	4 000	3 000

3.4.	Махсус уст-бош кийимлар учун (халат, этак, енглик) (бутун тўплам учун, бунда тўплам савдо фаолияти тури заруратидан келиб чиққан ҳолда аниқланади)	1 кунга	4 000	3 000
3.5.	Маҳсулотлар учун брезент бериш	1 кунга	6 000	5 000
3.6.	Аравачалар учун	1 кунга	4 000	3 000
3.7.	Реклама жойлаштиришга ажратилган ер майдонидан фойдаланганлиги учун (1 кв.метр)	1 кунга	1 500	1 200
4.	Кўрсатиладиган хизматлар турлари:			
4.1.	Қишлоқ хўжалиги ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш:			
	совуткичларда (ҳар бир яшик, қоп ва ҳ.к. учун)	1 кунга	6 000	5 000
	омборхоналарда, сақлаш камераларида (ҳар бир яшик, қоп ва ҳ.к. учун)	1 кунга	5 000	4 000
	бозор ҳудудидаги расталарда ва очик жойларда (савдо ўрни ҳисобидан, ҳар бир яшик, қоп ва ҳ.к. учун)	1 кунга	5 000	4 000
4.2.	Буюмларни омборларда сақлаш (бир 50x50x100 ўлчамдаги жой учун)	1 кунга	5 000	3 000
4.3.	Маҳсулотларни тарозида тортиш			
	катта юк тарозида	1 марта тортиш	4 000	3 000
	йирик ва майда шохли қорамолни тортиш	1 марта тортиш	5 000	4 000

4.4.	Автотарозилардан фойдаланиш:			
	юк кўтариш қуввати 5 тоннадан ортиқ бўлган тиркамали, ярим тиркамали юк автомашиналари ва автопоездлардан:			
	юк билан	1 марта ўлчаш	5 000	4 000
	юксиз	1 марта ўлчаш	4 000	3 000
	юк кўтариш қуввати 5 тоннагача бўлган тиркамали ва ярим тиркамали юк автомашиналаридан:			
	юк билан	1 марта ўлчаш	5 000	4 000
	юксиз	1 марта ўлчаш	4 000	3 000
	енгил автомашиналардан:			
	юк билан	1 марта ўлчаш	5 000	4 000
	юксиз	1 марта ўлчаш	4 000	3 000
	тиркамали енгил автомашиналардан:			
	юк билан	1 марта ўлчаш	5 000	4 000
	юксиз	1 марта ўлчаш	4 000	3 000
	4.5.	Меҳмонхона хизматидан фойдаланиш (1 та жой учун)	1 кунга	14 000
4.6.	Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш учун:			
	енгил автомашиналар учун	1 соатига	1 000	1 000
	юк автомашиналар учун	1 соатига	2 000	2 000
4.7.	Хожатхона хизматидан фойдаланиш	1 марта	1 000	1 000
4.8	Телефондан фойдаланиш	1 марта	1 000	1 000
4.9	Радиоузел орқали эълон бериш	3 марта такрор	4 000	4 000

4.10	Умумий фойдаланиладиган объектларни сақлаш бўйича кўрсатиладиган мажбурий хизматлар (асфальтланган ва брусчатка ётқизилган йўлаклар, тротуарлар, кириш ва чиқиш жойлари, ер ости ва ер усти канализация лотоклари, ички ва ташқи ёритиш тармоқлари ва иншоотлари, ичимлик сувининг санитар-техник бўғинлари, умумий ҳудудни қўриқлаш ва тозалаш, маиший ва мева-сабзавот маҳсулотларининг чиқиндиларини йиғиш ва олиб чиқиш, ташқи муҳандислик-коммуникация иншоотлари ва ҳқ)*			
	Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв.м./ойига	24 000	17 000
	Умумий овқатланиш	1 кв.м./ойига	17 000	14 000
	Маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа турлар			
	омбор, офис ва ҳакозо	1 кв.м./ойига	13 000	11 000
	дорихона, пайнет хизмати	1 кв.м./ойига	16 000	13 000

* Ушбу хизматлар бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино ва иншоотлар мулкдорларига кўрсатилади ҳамда улар учун кадастр ҳужжатларида кўрсатилган эгалланган ер майдонларидан келиб чиқиб ҳақ тўланади.

Изоҳ:

1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари билан савдо қилинганда, бир жой (савдо ўрни) ўлчами 1-1,2 погон метр деб белгиланади ва шу ўлчамдан ортиқ ўрин учун кўшимча равишда ҳар бир савдо ўрни учун белгиланган тўлов миқдорида жой ҳақи ундирилади.

2. Ҳафтанинг маълум бир кунлари фаолият юритадиган бозор ҳудудидаги бино иншоотларни ижарага бериш (2-илова 1-банд)

хамда инфратузилмага тўловларни (2-илова 4.10-банд) ҳисоблашда бир ойлик тўловдан келиб чиққан ҳолда, фақат бозор фаолияти юритиладиган кунлар учун тўлов суммаси ҳисоблаб, ундирилади. Мисол учун: Тошбулоқ деҳқон бозори ҳафтада 4 кун (пайшанба, жума, шанба ва якшанба кунлари) фаолият юритгани ҳолда, бозор ҳудудидаги 20 кв.метр майдонга эга ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдо дўкони учун бир ойга $20 \times 22000 = 440000$ сўм тўлов ҳисобланиб, бир ой мобайнида 16 (ёки 17) бозор фаолияти куни учун $(440000:30) \times 16 = 234700$ сўм тўлов ҳисоблаб, ундирилади.

3. 2-илованинг 2-бандида келтирилган хизмат турлари ой давомида мунтазам фаолият юритадиган ҳар кунлик бозорлар ҳудудидаги расталар ва очик жойларни (қурилиш материаллари сотиш учун) ижарага беришда қўлланилади.

4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари аралаш ҳолда сотилганда, тўлов сотиладиган маҳсулот турлари бўйича белгиланган энг юқори ставка бўйича ундирилади.

5. Бозор ҳудудидаги бино иншоатларнинг 2-чи ва ундан юқори қаватлари ҳамда ертўла (подвал) учун ижара ҳамда инфратузилмага тўловларни ҳисоблашда биринчи қаватнинг ҳар бир квадрат метр жойи учун белгиланган ставкаларга 0,825 тузатиш коэффициенти қўлланилади. Мисол: Наманган шаҳридаги бозор балансида бўлган ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси учун мўлжалланган бинонинг 40 кв метр майдонга эга биринчи қавати учун $40 \times 27000 = 1080000$ сўм ойлик ижара тўлови ҳисобланса, худди шу бинонинг юқори қаватлари ва ертўласи учун $40 \times 27000 \times 0,825 = 891000$ сўм ойлик ижара тўлови ҳисобланади.